



### КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни камбағалликни қисқартiriш ва бандликни ошириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.

Маъмурий ислохотлар доирасида бу соҳаларга масъул вазирлик ташкил этилиб, барча ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилди. Юртимизда илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати жорий этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликка 15 триллион сўм имтиёзли кредит ва субсидиялар, деҳқончилик учун 200 минг гектар ер ажратилди. Шу даврда 300 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 20 мингга корхона фаолияти кенгайтирилди. Утган йили 1 миллион нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Яқинда қабул қилинган Конституциямизда ҳам камбағалликни қисқартiriш бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олди.

Шу боис йилгида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чоралари муҳокама қилинди. Аввало, Камбағалликни қисқартiriш ва бандлик вазирлиги ҳудудларда янгича ишлаши кераклиги таъкидланди.

Салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўрни яратишга рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди. Бунинг учун улар билан малакали ишчи тайёрлаш бўйича шартнома тузилди. Яъни корхоналарда қўллаб "амалий мономарказ"лар ташкил қилинди. Давлат бунга зарур маблағлар ажратиш билан бирга инфратузилма, кредит, солиқ ва бошқа масалалар бўйича енгилликлар беради. Тадбиркор эса камбағал аҳолини даромадли иш билан таъминлайди.

Мутасаддиларга ушбу тизимни барча туман ва шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Маълумки, камбағалликни қисқартiriш бўйича Хитойнинг тажрибаси эътиборга молик. Буни ўрганиш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун яқинда мамлакатимиз делегацияси Хитойда бўлиб қайтди. Камбағалликни қисқартiriш ва бандлик вазирлигига у ердан экспертлар жалб қилинди.

Энди Хитой тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда биттадан туманни камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланди. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади.

Бош вазир ўринбосарига бунинг учун зарур инфратузилма масаласини ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидиялар ажратилипти. Шунингдек, камбағалликни қисқартiriш ва бандликни таъминлаш бўйича 37 турдаги субсидиялар мавжуд. Лекин уларни ажратиш шартлари оила-ларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, лойиҳанинг ўзини ўзи оқлаш муддатидан қатъи назар, барча учун деярли бир хил. Шу боис кредит ва субсидияларни ҳар бир камбағал оилага алоҳида ёндашув асосида тақдим этиш тақлифи билдирилди.

Камбағалликни қисқартiriш ва бандлик вазирлигини халқчил тизимга айлантириш, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни бевосита маҳалланинг ўзида йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

### Дунё нигоҳи

## ҚИЙИН ДАВРЛАР КУЧЛИ ЕТАКЧИЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 8 май куни мамлакатимизда бўлиб ўтган конституциявий референдум якунлари бўйича Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан учрашувдаги нутқи халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳ-

лил доира вакиллари ўртасида жуда катта резонансга сабаб бўлди.

Таниқли хорижлик экспертларнинг таъкидлашича, муддатидан илгари президентлик сайловини ўтказиш янгиланган Конституция қоидаларига тўла мос келади ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Павел БЕЙДА, Польша Сейми депутати, "Польша — Ўзбекистон" парламентларо гуруҳи ҳамраиси:



— Ўзбекистонни янгиланган Конституциянинг қабул қилингани ва мамлакат фуқароларининг кўпчилиги унга овоз бергани билан табриклиман. Янги Ўзбекистон янги Конституция асосида яшайди — бу бир томондан рамзий маънога эга бўлса, иккинчи томондан, жуда катта масъулият юқлайди, чунки Асосий Қонунда жуда юқори меъёрлар белгиланган.

Ушбу йўналишлар маълум маънода, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, логистика, соғлиқни сақлаш, ёшлар таълим ва

тарбияси, фан ва туризмин ривожлантириш дастурлари олдиндан тақдим этилган ва тасдиқланган. Холбуки, Конституция ана шу энг муҳим йўналишларни яқиний ҳал этиш ва шу мустақам асосда мамлакатни ривожлантиришнинг истикболдаги мақсад ва вазифаларини белгилашга қаратилган.

Албатта, бугунги кунда Ўзбекистонда, айниқса, давлатни ижтимоийлаштириш, ёшларга оид сиёсат, инклюзив таълим, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг диний, этник ва ижтимоий мансублигини таъминлаш борасидаги чуқур ўзгаришлар кўзга яққол ташланади. Шунингдек, янгиланган Конституция мамлакатнинг дунёвий давлат мақомини кафолатлайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қонун устуворлигини таъминлаш учун мустақам замин яратишдаги ролини ортиқча баҳолаш шарт

➔

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон қонун ҳужжатларига айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 3 майда маъқулланган

Кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар натижасида хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг янги механизмлари жорий этилди. Шунингдек тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик ҳамда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Бироқ бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик ҳоллари мавжуд бўлиб, бундай ҳоллар учун эса жавобгарлик чоралари аниқ белгиланмаган.

Ушбу Қонун билан тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини қонунга хилоф равишда қонунга хилоф равишда ўтказганлик ёки олиб қўйганлик ёхуд ортиқча ундирилган маблағларни ўз вақтида қайтармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга ва уларнинг мулк ҳуқуқларини дахлсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар; № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар; № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) **XIII боби** қуйидаги мазмундаги **192<sup>и</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

(Давоми 2-бетда).



### Марказий сайлов комиссиясида

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ УЧУН САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги "Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини тайинлаш тўғрисида"ги Фармони билан 2023 йил 9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ўтказилиши белгиланди.

Сайлов кодексига Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни билан киритилган ўзгаришларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов Сайлов кодексига тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилиши белгиланган. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган.

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ташқилий масалаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда сайлов кампаниясини эълон қилиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Календар режани тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди. Жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови учун сайлов кампанияси 10 майдан бошланиши белгиланди.

Сайловни ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Календар режаси тасдиқланди.

Мазкур режада мантиқий изчилик асосида қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари белги-ланди. Хусусан, Календар режага мувофиқ сайлов жараёнининг 7 та йўналиши бўйича 51 та тадбир назарда тутилди.

Календар режа сайлов кампаниясини қонун талаб-ларига риоя қилган ҳолда очик ва ошқора, тўғри ҳамда самарали ташкил этиш, мавжуд куч ва имкониятларни оқилона тақсимлаш ва сафарбар этишни таъминлайди.

Календар режа сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қонунчиликда белгиланган тадбирлар-ни мантиқий изчиликда тизимли равишда амалга оши-ришга хизмат қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ҳамда муддатлари ҳақидаги ахборот сайловчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказилиши белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

### Таҳлил

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ

— амалга оширилган конституциявий ислохотнинг бош мақсади

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан референдум якунларига бағишлаб ўтказилган учрашувдаги нутқи сиёсий шарҳловчилар, экспертлар, мамлакатимиз аҳолиси томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистонимизнинг яқин келажадаги тараққиёт режалари, устувор вазифалари ва сиёсий йўналишларини белгилаб берди.



Шу йил 30 апрель куни ўтказилган муҳим тарихий сиёсий тадбир — янги тахрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича референдумда халқимиз ўз келажаги, мамлакатимиз эртаси учун овоз берди. Айнан шу кун тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайди-

ган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади. Шу тарихи Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимизнинг "дунёвий ва ижтимоий давлат" сифатидаги мақоми

белгилаб қўйилди, ўзбек халқининг фаровон келажини таъминлашга қаратилган эркин бозор иқтисодининг асослари мустақамланди, Президентнинг айрим ваколатлари парламентга тақдим этилиши орқали демократлашув жараёни жадаллаштирилди, интеллектуал мулкдан тортиб

➔

### Сенат қўмитасида

## ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТНИ ЎҚИТИШ ИШЛАРИДА КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 20 октябрда қабул қилинган "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар Бухоро вилояти мисолида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Бухоро вилоятида олиб борилган ўрганишлар давомида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича вазифаларнинг бажарилиши, олис ҳудудлардаги мактабларнинг фан бўйича мутахассис билан таъминланиши, дарсларнинг сифати, она тили ва адабиёт фани ўқитувчила-

ри қайта тайёрловдан ўтказиш тизими ва мактабларда дарс таҳлилининг юритилиши, ўқувчиларга "Она тили" дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларининг етказилиши ва улардан машгулотлар давомида фойдаланиш ҳолати атроф-лича таҳлил қилинди.

Вилоятдаги 534 та умумтаълим муассасасида жами 28 минг 248 нафар педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2 минг 313 нафари она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари бўлиб, 2 минг 307 нафари олий маълумотли, 6 нафари тугалланмаган олий маълумотли педагоглардир.

➔

### Фракцияларда

## ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАҚДАГИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййгилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2023 йил биринчи чорақдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари, асосан, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, таълим, маданият, туризм ва инсон капитални ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратди.

Тақдим этилган ҳисоботга кўра ўтган даврда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Хусусан, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсат давом эттирилиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш мақсад қилиб олинди.

Биргина иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "яшил иқтисо-

➔

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

«192»-модда. Пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд уларни ўз вақтида қайтармаслик

Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) 345-моддасининг иккинчи қисмидаги «192» рақами «192» рақами билан алмаштирилсин.

1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар; 2010 йил, № 10, 336-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8,

787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин: 1) қуйидаги мазмундаги 241»-модда билан тўлдирилсин:

«241»-модда. Пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд уларни ўз вақтида қайтармаслик

Тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортқича ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик, оз миқдорда талон-торож қилиш аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»; 2) 245-модданинг биринчи қисмидаги «241» ва «241» деган сўзлар «241», «241» ва «241» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими вакили ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижроқилишга етказилишини ҳамда ҳоҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан у ой ўтган қунга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 10 май № УРҚ—841

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий

ҚИЙИН ДАВРЛАР КУЧЛИ ЕТАКЧИЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ

Бунда маълум бир мантиқ кўринади ва бу қадам, биринчи навбатда, замонавий дунёнинг ривожланган демократик давлатлари яшаётган классик қонунларни ўзида мукаммал этган. Бу давлатнинг раҳбарининг ўз мамлаката келажаги, унинг изчил ривожланиши ҳақидаги ғамхўрликдан далолатдир. Бунга Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг энг долзарб масалалари бўйича янги муносабатлар, янги вазифалар, жамиятда янги мувозанат, янги ислохотлар, янги қарорлар яратиш заруриятига асосланган юқоридаги далиллар тасдиқлайди.

Муҳаммад Исмоил ХОН, «Political Events» журнали бош муҳаррири (Ҳиндистон): — Шу йилнинг 30 апрель кунини бўлиб ўтган конституциявий ислохот бўйича референдумда қабул қилинган Ўзбекистоннинг янги қонунлари Асосий Қонуни давлат табиғатида жиддий ўзгаришлар киритди. Улар, хусусан, ижтимоий йўналишдаги дастурларнинг молиялаштирилишини кўпайтириш, мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган саясий ҳаракатларни фаоллаштириш, давлат раҳбари ваколатларининг бир қисmini Олий Мажлисга ўтказиш, жамоатчилик органлари — маҳалла кўмиталари ваколатларини кенгайтиришни талаб қилади.

Янги қонун Конституцияга кўра маҳаллалар аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда самарали ишларни олиб бориши учун солиқ тушумлари ва давлатнинг бошқа даромадларидан улш олади.

Халқ янги қонун босқунга мувофиқ ўзини янги тараққиёт йўлига киришга сафарбар қилаётгани мантиқан тўғри. Чунки янги ҳужжат жамиятнинг барча қатлами манфаатларини инобатга олган ҳолда «ижтимоий давлат» мақомига эришишни кўзда тутиб, қонун устуворлигини қатъий таътиқ этади, иқтисодий янада жадал ривожлантириш билан бирга инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини таъминлайди.

Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, мамлакатни янгилаш жараёнининг навбатдаги босқичини янги истиқболли мақсад билан бошлаш, Президентнинг Ўзбекистонни тараққиёт ва фаровонликнинг янги чўққиларига олиб чиқиш йўлидаги имкониятини мустақамлаш учун янги қонун Конституцияга биноан, мудатидан илгари Президент сайловини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Эвальд КЁНИГ, «Berliner Korrespondentenbüro — International Media Projects» медиа агентлиги ижрочи директори (Германия):

Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган мутахассис сифатида ишонч билан айти оламанки, шу йилнинг 8 май куниндаги мамлакат Президентининг нутқи жуда муҳим бўлиб, кўплаб долзарб фикрларни ўз ичига олди. Давлатнинг раҳбарининг жамият, жумладан, ёш авлод эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакат конституциявий тизимига жиддий ўзгаришлар киритиш борасидаги

қатъияти ва сиёсий иродаси менда катта таассурот қолдирди.

Иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилади. Президент тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Оммавий ахборот воситаларининг халқнинг овози ва фикрини кенг жамоатчиликка етказувчи энг самарали куч деб эълон қилиниши давлат органлари жамиятга очиклик сиёсатини изчил давом эттиришга, ОАВ эркинлигини қатъий қафолатлашга, уларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилгандир.

Бундан ташқари, Президентнинг бошқа давлатлар ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлаш йўллари фаол излаш, халқро ва минтақавий тадбирларда иштирок этиши мени хайратда қолдирди. Бу Ўзбекистоннинг халқро майдонда ишлашга, бошқа давлатлар билан алоқаларини мустақамлашга тайёргилигини тасдиқлади.

Алвис ЭГЛИТИС, «LETA» ахборот агентлигининг халқро янгиликлар муҳаррири (Латвия):

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан мулоқотини диққат билан кузатишимиз. Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат деб эълон қилиниши халқ манфаатлари устуворлигини кўрсатади. Янги болалар боғчалари, мактаб ва

шифоҳоналар қурилишига қўшимча 30-40 триллион сўм маблағ ажратилиши Ўзбекистонда бошланган ислохотларнинг ортага қайтмаслигини таъминлаш, ёшларга оид сиёсатни янги босқичга кўтариш, таълим ва тарбия, фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Оммавий ахборот воситаларининг халқнинг овози ва фикрини кенг жамоатчиликка етказувчи энг самарали куч деб эълон қилиниши давлат органлари жамиятга очиклик сиёсатини изчил давом эттиришга, ОАВ эркинлигини қатъий қафолатлашга, уларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилгандир.

Намик АЛИЕВ, Озарбайжон Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, элчи: — Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 8 май кунини Олий Мажлис палаталари, партиялар, суд ва ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритиш ларида бағишланган йилгиликда мудатидан олдин Президент сайловини ўтказиш тўғрисида муҳим сиёсий қарорни эълон қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 8 май кунини Олий Мажлис палаталари, партиялар, суд ва ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритиш ларида бағишланган йилгиликда мудатидан олдин Президент сайловини ўтказиш тўғрисида муҳим сиёсий қарорни эълон қилди.

Менимча, бу ўз сиёсатини халқ кўллаб-қувватлашини тасдиқлаш учун қолган 3,5 йиллик конституциявий мудатидан воз кечган муносиб ва ўзига ишонган раҳбарнинг қадамидир.

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунё ҳар бир давлат олдида янгида-янги сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий ислохот ва вазифаларни қўймоқда. Давлатчиликни асраб-авайлаш ва мустақамлаш, баркамол жамият асоси сифатида иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш ўзини муваффақиятли ислохотчи сифатида намоён этган Ўзбекистон Президенти ҳокимиятда парламент, ҳуқуқат, вазирлар, ҳокимлар билан янги муносабатларни ўрнатишга қаратилган институционал ислохотлар учун бор борадаги ишлар зарурлигига ишонч ҳосил қилди.

Референдум натижасида янги қонун билан Ўзбекистон Конституцияси мамлакатда ҳокимиятнинг барча тармоқларини ислохот қилиш, улар ўртасидаги мувозанат ва конституциявий муносабатларни тубдан ўзгариштиришга олиб келди.

Ўз халқининг ишончини яна бир бор қозониш, кейинги ўзгаришлар ва ислохотлар учун мандат олишга интилагани бугунги давлат раҳбарининг эзгу стратегик ниятлардан далолат беради. Дону ва соҳаватли қардош ўзбек халқи янги келажакда ўз раҳбарини муваффақиятли танлашга шубҳам йўқ.

Қийин даврлар кучли етакчиларни юзага чиқаради. Улар мамлакат ва халқларни муваффақият сари етаклайди. Буларнинг барчасини Ўзбекистон ва унинг халқига тилайман.

«Дунё» АА.

Муносабат МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқини том маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқувчи тарихий воқелик дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, умумхалқ референдуми асосида янги қонун Конституциянинг қабул қилиниши билан давлат раҳбари бошчилигида барча соҳада амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг халқимиз томонидан тўла кўллаб-қувватланиши яна бир бор ўз исботини топди. Мазкур ислохотлар негизини ташкил этувчи «Инсон қадрини унун» ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларнинг бош тамойили бўлган «Инсон — жамият — давлат» ёндашуви янги қонун Конституциянинг мазмунига чуқур сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бош қомусимизга киритилган нормаларнинг салмоқли қисми инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига таалуқли бўлиб, инсон қадр-қиммати, шаъни ва гурури барча соҳада биринчи ўринда туриши олий даражада ўз ифодасини топди.

Юртбошимиз ўз нутқида Асосий Қонунимиз қабул қилиниши муносабати билан олдимизда турган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, янги қонун Конституциянинг биринчи моддасида қатъий белгилаб қўйилган «Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» нормасидан келиб чиқиб, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустақамлаш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини амалга ошириши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни, шунингдек, демократик тараққиёт йўлини қатъий давом эттириш шулур жумласидандир.

Шу ўринда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ҳам Асосий Қонунда акс этганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, янги қонун Конституциянинг 49-моддасида ҳар ким кулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига ээлиги, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши, барқарор ривожланиш принциплари мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза этиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши ва бошқа бир қатор нормаларнинг киритилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, янги қонун Конституцияда парламент фаолиятига таалуқли муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага етказилиб, палаталарнинг ваколатлари аниқлик киритилди. Масалан, ҳуқуқатни шакллантириш, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари Қонунчилик палатасининг ваколатига ўтказилди.

Бу, ўз навбатида, биз, парламент вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Асосий эътиборимизни қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга қаратиш, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳуқуқат билан ҳамкорликда ишлаганимиз зарур бўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон барчамиз бир ёқдан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда қуришдек эзгу мақсадларимизга, албатта, етамиз.

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасида мавжуд ҳолатни ҳимоялаш, умуман, самарали ижтимоий сиёсат қилиш борасидаги эзгу саясий ҳаракатлар, аввало, миллий кадрларнинг асосида олиб борилаётган бўлиса, иккинчи томондан, илгор жаҳон тажрибаси ва ривожланган давлатлар эришган ютуқларга таянган ҳолда рўйбага чиқарилмоқда.

Мушоҳада

Эътиборлиси, буларнинг барчаси яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга кўра Ўзбекистон эндиликда ижтимоий давлат деб эътироф этилади. Албатта, бундай статус кўплаб мажбуриятларни давлат зиммасига юклайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ижтимоий ҳимоялашнинг янги механизmlарини яратиш ҳамда реал иқтисодий вазиет ва имконият эътиборини олга амалга оширилади.

Шу ўринда ижтимоий ҳимоя сиёсати, аввало, бандлик, тадбиркорлик ва даромадлар йўналишидаги сиёсатдан таркиб топишини таъкидлаш зарур. Шундан келиб чиқиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг барча имкониятини ишга солиш учун шароит яратиш жуда муҳим. Негаки, бу камбағаллашув ва ишсизликка қарши қурашишда энг самарали йўл ҳисобланади.

ни ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий сугурта тизимини яратиш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига алоҳида маълумотлар базасини шакллантириш сингари муҳим вазифалар кўзда тутилган.

рилан ижтимоий ҳимоя ва кўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Ҳўш, уларга қандай ёрдамлар кўрсатилмоқда? Айтиш жоизки, ана шу тоифаларнинг даромадларини тартибга солиш, қўшимча даромад олиш манбаларини шакллантириш ва бошқа имтиёзлар бериш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан бир нечта қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар орқали кам таъминланган оилаларни ижтимоий нафақалар билан қамраб олиш, оналикни ҳимоялаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ижтимоий сугурта тизимига киритиш, Ижтимоий сугурта жамғармасини ташкил этиш, давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар самардорлигини ошириш мақсадида ижтимоий хизматларни индивидуал ижтимоий мослашув дастурлари орқали тақдим этиш каби масалалар тартибга солинган.

Мухими, шулар асосида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган вазирлик очилиди, мономарказлар фаолияти йўлга қўйилди, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари» тизими, Ишлаган пенсияонерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди. Эътиборлиси, 2023 йил — Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, дея номлангани замирида ҳам ана шу мақсадлар ётибди. Айни чоғда шу мақсадда худудлар кесимида камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича дастурлар қабул қилинмоқда.

Чунонки, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камба

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ

## — амалга оширилган конституциявий ислохотнинг бош мақсади



**1** Ушбу конституциявий референдум туфайли халқ ва давлат ўртасидаги “ижтимоий келишув” янгилашди ва янада мустақамланди. Янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиш учун сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёди овоз берди. Бу — халқимизнинг ўз Президентига ишончи юксаклигидан, олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганидан, давлатимизнинг ижтимоий ва қонунчилик сиёсати изчил давом этишига чин дилдан умид қилаётганидан, энг муҳими, аҳолининг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини сезиларли даражада юксалгандан далолатдир. Шунингдек, референдум натижалари бошланган ислохотларга халқимиз томонидан берилган муносиб баҳо бўлиб, эндиликда янги Ўзбекистонни барпо этиш учун навбатдаги дадил қадам ташланди, десак, янглишмаган бўлаемиз.

### Чинакам халқ Конституцияси

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол иштирок этди. Шу нукта назардан қараганда, янгилашган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга асосларимиз бор. Халқимиз конституциявий ислохотлар тарафдори эканлигини амалда исботлади. Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаларида 223 мингга яқин таклифлар келиб тушганлиги ва улар асосида лойиҳа такомиллаштирилиб, маромига етказилгани, хусусан, таклифларнинг ҳар тўртасидан биттаси лойиҳадан жой олганлиги фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага қўйилиб, нормалари 275 тадан 434 тага ошгани, яъни Асосий Қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунлар учун бараварга қўйилгани ҳам халқимизнинг сиёсий онги ва маданияти ошганлигини намойён этди.

Мухтасар айтганда, халқимиз Конституция халқни миллатни миллат қилган пойдевор эканлигини англаб етди. Бугун Ўзбекистон марраи жуда баланд олгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки глобаллашув жараёнининг шиддати, ҳақиқатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш динамикаси шуни тақозо этмоқда. Хар бир соат, хар бир кундан самарали, унумли фойдаланиш сув ва ҳаводек зарур. Янгилашган Конституция мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, умуман, юрт ва халқнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан бошланган ўзгаришлар шабдаси халқимизга чинакам эрк берди, унинг қадрини юксакка кўтарди. Халқимиз буни қалбдан хис қилиб турибди. Ва шунга яраша халқимизнинг дунёқарашини ҳам тобора кенгайтиб бормоқда.

Хар қандай ислохотлар ё давлат тизимини ўзгартиришга, ё аҳоли турмуш даражасини оширишга, ё иқтисодийни ривожлантиришга қаратилганлиги билан фарқланишига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Лексин Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ислохотлар бутунлай бошқача

баробар қўпайтирилмоқда. Мамлакатимизда 2 миллион 200 мингдан зиёд оилалар ижтимоий қўмакка муҳтож эканлигини, аҳолининг 55 фоизи ёшлардан иборатлигини инобатга олсак, бу мажбуриятларни амалда таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бунга, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Давлат бюджетидан хар йили қўшимча 30 — 40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, хар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифоналар қурилади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқидан янги тахрирдаги Конституциянинг муқаддима қисмига киритилган “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” таърифига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, янгилашган Конституцияда жуда муҳим ижтимоий масалалар ўз аксини топган. Жумладан, Бош қомусимизда алоҳида модда сифатида киритилган таълим соҳаси жамиятимиздаги энг долзарб, ислохотлар талаб этадиган йўналишлардан бири ҳисобланади. Биринчи навбатда, ўқитувчилар мақомини кўтариш, уларнинг кадр-қимматини юксакка олиб чиқиш Конституцияда ифодаланмоқда. Устоз-мураббийлар қадрланган давлатда эса ёш авлодни хар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга замин яратилади. Ўқитувчиларнинг вазифаси — баркамол авлодни тарбиялаш билан бирга, миллий қадриятларимиз, аъёнларимизни авлоддан-авлодга олиб ўтувчи мутахассислар тайёрлаш. Шу боис уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги қонун билан мустақамланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда олий таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, олий таълим муассасалари мустақиллиги, академик ва молиявий мустақиллик, уларнинг ўқув дас-



сусий мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қийноққа солишларнинг олдини олиш, суд қарорисиз мажбурий ушлаб туришга барҳам бериш, тазйиқлар, таққирларга чек қўйиш, тadbиркорликка ғов бўладиган хар қандай иллатлар билан муроса қилмаслик каби инсонпарвар мақсадлар мужассамлашган. Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтилмайди, “инсон — жамият — давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.

Янгилашган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, деб қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий Қонунда муҳрланган бу принциплар — мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажagini белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Зеро, бу тамойиллар фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишни, тенгсиз ва буюк неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустақамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни кўзлайди.

### Мустақиллик — олий қадрият

Давлат мустақиллигини мустақамлаш, тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш онинг иш эмас. Бунинг учун машаққатли меҳнат талаб этилади. Давлатимиз раҳбари бу борада қатор вазифаларга тўхталиб ўтди.

Президентимиз нутқидан мустақиллиқни асраб-авайлаш ҳақида жуда муҳим фикрлар билдирилди. Тўғри-да, бир асрдан ошмироқ вақт мобайнида мутелик исканжасида яшаб келган халқимиз XXI аср бўсағасида эрк ва озодликка эришиши ахир осон бўлдими? Эрк йўлида не-не аждодлар қони тўкилди. Истиклолни жуда жўн қабул қилганлар, энди эркимиз ўз қўлимизда, эртаданок дориламон давр бошланади, деб ғойибдан тўкиллик қўтишганига ҳам гувоҳ бўлдик. Баъзи бировларга ўтиш даври, бу — фаровон ҳаёт оstonаси эмас, балки унганча бўлган машаққатли масофалар майдони эканини англагунга қадар муайян муддат керак бўлди. Истиклол фақат сиёсатдаги собитлик, адолатлик, халқимизнинг метин иродаси ва жасорати туфайли мустақамланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларнинг манфаатини ҳурмат қилади, суверенитетини қадрлайди. Қадрласанг — қадр топасан, дейди халқимиз. Хар нарсанинг қадрини билиш учун, шубҳасиз, унинг моҳиятини англаш керак. Мустақиллиқнинг моҳиятини маърифатсиз англаб бўлмайди. Чунки маърифатсиз мустақиллиқнинг ўзи бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам у мустақиллик эмас, куллининг бошқа шаклидаги кўриниши бўлади, холос.

Айтмоқчимизки, истиклолга биз осонликча эришганимиз йўқ. Бир юз ўттиз йил давомида кўп қурбонлар берилди. Жуда кўп. Тарихга бир қур назар солсангиз, юрак зирқираб кетади. Улар ҳам сиз билан биз каби орзуманд одамлар эди. Аксариятининг болалари ортидан изиллаб

ларга эришиш йўлида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини камайтириш борасидаги ишлар жадал давом эттирилади. Бошқа томондан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, қурилиш соҳаларига катта-катта инвестициялар жалб қилиниши талаб этилади.

### Янги босқич — янги вазифалар

Ўзбекистонда нафақат иқтисодий ислохотлар давом эттирилади, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳам қатъий чоралар қўрилади. Зеро, Конституцияда илк бор мамлакатимизга ҳуқуқий давлат деган таъриф берилгани бежиз эмас. Бу — авваламбор, барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани. Президентимиз қайд этганидек, бундан бўён, қонунлардаги ноанглиқликлар инсон фойдасига ҳал қилинади.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини, албатта, амалда таъминлашнинг зарур. Шу мақсадда, Конституцияда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустақамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди.

Албатта, Асосий Қонунга киритилган бу илгор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди. Бунинг учун юртдошларимизнинг ўзлари ҳам қонуний ҳуқуқлари учун курашлари талаб этилади. “Қарс икки қўлдан чиқади”, деганларидек, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксаклаштириш билан бирга, аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, дунёқарашини ўзгартириш талаб этилади.

Тадбирнинг энг кульминацион нуктаси — Президент сайловининг муддатидан илгари ўтказилишининг эълон қилиниши бўлди, десак, қўнчилик фикримизга қўшилиш керак. Давлатимиз раҳбарининг мардлигини қарангки, ўз ваколатларининг қолган уч йил ийлик давриддан ўз ташаббуси билан воқеа кенди. Ва бунинг ўзига яраша сабаблари келтирилди.

Авалло, Конституция янгилашганидан кейин халқнинг ишончли маъдантини олиш учун дадил қадам ташланди. Ваҳоланки, ҳуқуқий жиҳатдан давлат раҳбари Президентлик муддатини охиригача ижро этишига ҳеч нараса монелик қилмаётганди. Шунга қарамай, Асосий Қонунга мувофиқ, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислох қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиҳиди ўзгаргани инобатга олинди. Қолаверса, янгилашган Конституция Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдиға чекитириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни, янги марраларни қўйгани боис навбатдан ташқари сайлов ўтказишга қарор қилинди.

Бу эса инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришга асос бўлади.

Мухтасар айтганда, янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврини бошлаб берапти. Уларнинг моҳиятини, асосини Президентимиз раҳнамолигида инсон учун, унинг бахту саодати учун амалга оширилаётган ислохотлар ташкил этади.

Ўтқир РАҲМАТ.

### Инсон — жамият — давлат

Давлатнинг қудрати унинг табиий бойликларини ҳарбий кучи, иқтисодий имкониятлари билан ўлчанадиган замонлар орт-

“ Конституциявий референдум туфайли халқ ва давлат ўртасидаги “ижтимоий келишув” янгилашди ва янада мустақамланди. Янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиш учун сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёди овоз берди. Бу — халқимизнинг ўз Президентига ишончи юксаклигидан, олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганидан, давлатимизнинг ижтимоий ва қонунчилик сиёсати изчил давом этишига чин дилдан умид қилаётганидан, энг муҳими, аҳолининг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини сезиларли даражада юксалгандан далолатдир.

да қолди. Бугун халқнинг, энг аввало, турмуш даражаси, ҳуқуқлари, интелекти, дунёқарашини, тафаккур оламини қараб баҳо бериш урфа айланди. Инсон тафаккури, унинг ҳаётдан розилик даражаси, ҳақ-ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланиши асосий мезон сифатида қаралмоқда. Шу маънода, бугун Ўзбекистон тутган йўл инсонни қадрлашга, уни рози қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Конституцияни янгилаш эътижи ҳам шу талабдан келиб чиқди. Ўзбекистонда, аввало, инсон қадри биринчи ўринга кўтарилди.

Шу жиҳатдан бугун Ўзбекистоннинг янгилашган Конституциясига “инсон — жамият — давлат” тамойили киритилганлиги бежиз эмас. Инсон тафаккурининг махсус яшаш шароитлари кафолатланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бир инсон муаммоси бугун жамиятнинг муаммоси, деб қаралади. Инсонлар ўз ташвиш ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолдирилмайди. Аслида, инсонга бўлган бундай муносабатни биз кейинги йилларда ўз қўлимиз билан қўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Сўнги олти йилда Ўзбекистонда канчадан-қанча уй-хойлар барпо этилди. Одамлар биринчи марта ўзларининг ҳаёти, яшаш шарт-шароитини давлат учун муҳим эканлигига ишонч ҳосил қилди.

### Самарали ва яхши бошқарув

Конституциявий ислохот бугунги ва истикболдаги муваффақиятли ва барқарор тараққиётнинг зарурий ҳуқуқий шартини асосидир. Хусусан, у “самарали ва яхши бошқарув” тизимини жорий этишнинг муҳим воситаси сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини мустақамлаш, ҳисобдорлик, очиқлик, ошқоралик ва шаффоқлиқни оширишга ёрдам берувчи конституциявий қоидаларни ўрнатади. Бошқарув сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийни ривожлантиришга фойда келтириб, натижада сармоя киритиш ва тараққиётни таъминлаш учун қўлай ва барқарор муҳит яратади. Бунга, энг аввало, “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси ва “инсон — жамият — давлат” тамойилини ҳаётга фаол татбиқ этиш, Президент, парламент ва ҳукумат ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни мустақамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, замонавий халқаро ҳам-жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш орқали эришилади.

Янгилашган Конституция янги Ўзбекистон раванқининг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлашга қаратилган ва бу жаҳон таъриҳасига мос табиий жараёндир. Бир ҳақиқатни теран билишимиз, англашимиз шарт. Конституцион ислохотлар замирида, аввало, юртдошларимизга муносиб ҳаёт даражасини яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш, ўлим жазосини тақиқлаш, у-

турларини белгилаш масалалари, фуқароларимиз танлов асосида давлат ҳисобидан таъмин олиши мумкинлиги тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди. Ишонимизки, ушбу моддаларнинг киритилгани келгусида таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Президент ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам — ёшлар, хотин-қизлар ва болалар эканини алоҳида таъкидлади. Бу Бош қомусимизда фундаментал норма сифатида мустақамлашнинг уни янада юқори босқичга олиб чиқади. Конституцияда давлат ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши белгиланди. Хотин-қизларнинг, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат бошқарувида аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокини таъминлаш бу борадаги дадил қадамлардир.

Мухими, биз ижтимоий давлат қуриш сари йўл оляемиз. Конституцияда ҳам бу масала қатъий муҳрланди. Ижтимоий давлатда хар бир инсон учун муносиб яшаш шароитлари кафолатланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бир инсон муаммоси бугун жамиятнинг муаммоси, деб қаралади. Инсонлар ўз ташвиш ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолдирилмайди. Аслида, инсонга бўлган бундай муносабатни биз кейинги йилларда ўз қўлимиз билан қўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Сўнги олти йилда Ўзбекистонда канчадан-қанча уй-хойлар барпо этилди. Одамлар биринчи марта ўзларининг ҳаёти, яшаш шарт-шароитини давлат учун муҳим эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Шу ўринда бир масалаға эътиборни қаратас. Янгилашган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари уч



